

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ  
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2019 йил декабрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: С.Содиқов,

судлов ҳайъати судьялари: Э.Тургунбоев ва И.Мухамедовалардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Махамеджанованинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори А.Хайруллаев, А.Миркомилловнинг химоячиси адвокат Ш.Исахановларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2006 йил 21 декабрдаги ажрими билан судланувчи А.Миркомилловнинг аризаси қаноатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган жиноят ишини,

Миркомиллов Акмал Махмудович, 1983 йил 22 июль куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ажрим устидан адвокат Ш.Исаханов томонидан кассация тартибидаги келтирилган шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ажримига кўра, А.Миркомиллов, 2006 йил 8 январь куни соат 22:00ларда спиртли ичимлик ичиб маст ҳолда, Тошкент шаҳрида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, таниши М.Каримова билан жанжаллашиб уни уятсиз сўзлар билан ҳақорат қилиб, баданига шикаст етказиш мақсадида М.Каримованинг боши ва баданига кўл оёқлари билан уриб, дўппослаб тан жароҳати етказган. Натижада фуқаро М.Каримова 2006 йил 9 январь куни 1-шаҳар клиник касалхонасига турли жароҳатлар билан даволанишга ётқизилган.

2006 йил 14 ноябрь куни ўтказилган суд-тиббиёт экспертизасининг 554- сонли хулосасига кўра, фуқаро М.Каримовада бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, чап кўз косаси ва чакка соҳаси қонталаш ва шилиниши, чап ёноқ ва кўкрак қафаси юмшоқ тўқималари лат ейиши бўлиб, бу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра-соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келувчи “Енгил” тан жароҳатларига кириши аниқланган.

Адвокат Ш.Исаханов кассация шикоятида, дастлабки тергов органи томонидан А.Миркомилловнинг ҳаракатлари нотўғри малакаланган бўлсада, суд бунга ҳуқуқий баҳо бермасдан, унга нисбатан амнистия актини нотўғри қўллаганлиги ҳақида важлар келтириб, суднинг ажримини бекор қилишни ва жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тугатишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья И.Мухамедованинг маърузасини, прокурор А.Хайруллаевнинг кассация шикоятини рад этиб, суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни сўраб берган хулосасини, А.Миркомилловнинг химоячиси адвокат Ш.Исахановнинг кассация шикоятида келтирилган важларни қувватлаб уни қаноатлантиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил



қилиб, қуйидагиларга асосан суд ажримини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмай қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандида агар эълон қилинган амнистия акти шахсга ёки жиноятга дахлдор бўлса, жиноят иши шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, А.Миркомитов судга ўзининг ёзма равишдаги ихтиёрий аризаси билан мурожаат қилиб, аризада унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорини татбиқ қилиб, жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмай туриб муҳокама қилмай тугатишни сўраган ва унга оид жиноят иши амнистия акти асосида тугатилганидан кейинги келиб чиқадиган оқибатлар тушунтирилганлигини баён қилган.

Шу сабабли, биринчи инстанция суди томонидан А.Миркомитовнинг биринчи марта қасддан содир этган жинояти ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятлар турига кирганлиги инобатга олиниб, унинг аризаси асосли равишда қаноатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Қарорининг 6-бандига асосан унга оид жиноят иши айблилик масаласи муҳокама қилинмай тўғри тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 17-бандига мувофиқ биринчи босқич судида амнистия актига асосан жиноят иши тугатилишига розилик берган шахснинг ишни айб мазмуни бўйича кўриб чиқишни талаб этган шикояти суд қарорининг бекор қилинишига, агар бунинг учун бошқа асослар бўлмаса, сабаб бўлмайди.

Бундай ҳолатда, А.Миркомитовнинг аҳволини оғирлаштириб турувчи бирон-бир судланганлик оқибатлари мавжуд бўлмаганлиги, суднинг ажрими билан жиноят иши айблилик масаласи муҳокама қилинмасдан тўғри тугатилганлиги сабабли, кассация инстанцияси судлов ҳайъати, биринчи инстанция судининг А.Миркомитовга нисбатан чиқарилган ажримини бекор қилиш учун ишда асослар йўқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 506, 506<sup>1</sup>, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати,

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2006 йил 21 декабрдаги Миркомитов Акмал Махмудовичга нисбатан чиқарилган ажрими ўзгаришсиз қолдирилсин.

Адвокат Ш.Исахановнинг кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья:	имзо	С.Содиқов
Судлов ҳайъати судьялари:	имзо	Э.Тургунбоев
	имзо	И.Мухамедова

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья

